

## БОЛА АЗИЗ, ТАРБИЯСИ УНДАНДА АЗИЗ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11437105>

**Ғозибеков Тўлқин Ҳабибуллаевич**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Махсус касбий  
фанлар кафедраси доценти, подполковник*

### **Аннотация**

*Мазкур мақолада бола тарбияси билан шуғулланувчи ўқитувчилар тамонидан барча куч ва имкониятларимизни ёшларимизнинг интеллектуал ва жисмоний камол топишида барча саби ҳаракатларни амалга ошириш ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар билан профилактик тадбирларни амалга ошириш ва уларни ижтимоий мослаштириш билан боғлиқ фаолияти илгари сурилган.*

### **Калит сўзлар**

*Бола тарбияси, Ижтимоий ҳимояга муҳтож, Низоли оила, хавфли аҳвол, профилактик суҳбат, якка тартиб, жамоатчилик, ҳамкорлик, ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахс, вояга етмаган, хулқ-атвор, салбий таъсир*

Давлатимиз раҳбари 2023 йилда Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан соҳа вакилларига йўллаган табригида, таракқиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам илм-фан, таълим ва тарбия эканлигини, аввало сизларни, таълим-тарбия соҳасининг барча жонкуяр ходимлари ва фахрийларини умумхалқ байрами – Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан табриклаб, мамлакатимизда миллати, тили, динидан қатъи назар, ҳар-бир инсон ўз қобилияти ва истеъдодини, билим ва тажрибасини рўёбга чиқара оладиган ижтимоий давлат барпо этмоқдалигини. Шу мақсадда барча куч ва имкониятларимизни ёшларимизнинг интеллектуал ва жисмоний камолоти, уларнинг сифатли таълим олиб, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари учун сафарбар этилаётганлигини маълум қилдилар<sup>119</sup>.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 78-сессиясида Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев тамонидан таълим соҳасида билдирилган фикрлари барча бола тарбияси билан шуғулланувчиларни хурсанд қилади. Янги таҳрирдаги қабул қилинган Конституциямизда илк бор

<sup>119</sup> Шавкат Мирзиёев касб байрами муносабати билан ўқитувчи ва мураббийларга табриги ЎЗА [xabarida](#) 29.09.2023, 20:01 9851.

Ўқитувчи мақоми алоҳида белгиланиб, таълим тизимини ривожлантириш давлатнинг бош вазифалари қаторига киритилгани бежиз эмас. Чунки жамият ҳаётида ўқитувчининг ўрни ва таъсири ошса – мактабнинг обрўси ошади, илм-фан, таълим ва тарбия соҳасининг кадрлари кўтарилади. Муаллимнинг обрў-эътибори эса бу миллатнинг, бутун халқнинг обрў-эътибори эканлигини такидлаб ўтдилар.

Юртимизда кўплаб янги боғчалар, мактаб ва олийгоҳлар барпо этилаётганлиги, таълим-тарбия ва илм-фан муассасаларининг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланаётганлигини ҳамда бу борада дарслик ва ўқув қўлланмаларининг янги авлоди яратилаётганлиги бу ватан тарақиёти қўлида бўлган ёш авлод учун эканлигини такидлаб ўтдилар.

**Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг<sup>120</sup>** қабул қилингани ушбу қонунда бола туғилгандан то 18 ёшга тўлгунга қадар бўлган шахслар вояга етмаганлар деб белгиланлиги ва уларнинг ҳуқуқлари ушбу қонуннинг алоҳида нормлари билан кафолатланган. Боланинг таълим ва тарбияси учун масъул бўлган ота-оналар ҳамда ўқитувчилар аввол бор норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ва унда келтирилган тушунчаларни билишлари лозим бўлади.

Қонуннинг 3-моддасида қуйидаги асосий тушунчаларга изох берилган, **бола (болалар)** – ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар бўлган шахс, **боланинг қонуний вакиллари** – ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлардир, **жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган бола** – ногиронликни белгилаш учун етарли бўлмаган жисмоний, ақлий, сезги ва руҳий нуқсонлари бўлган бола, **ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар** – булар жумласига, маиший турмуш шароитида юзага келган муоммолар сабабли, оғир турмуш шароитида қолган, давлат ва жамият томонидан алоҳида ҳимоя қилишга ҳамда қўллаб-қувватлашга муҳтож болалар, **ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар** – қонунда белгиланган тартибда болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқини амалга оширувчи ва ота-оналик мажбуриятларини бажарувчи, лекин боланинг ота-онаси бўлмаган шахслар (фарзандликка олувчилар, васийлар ва ҳомийлар), **ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола** – ҳар қандай сабабга кўра ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола, бундан етим бола мустасно.

**Ижтимоий ҳимояга муҳтож деб қуйидаги тоифадаги вояга етмаганлар белгиланган<sup>121</sup>:** ногирон ва жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонлари

<sup>120</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январдаги “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Қонун

<sup>121</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январдаги “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Қонун

бўлганлар, ота-она қармоғидан маҳрум бўлганлар, етим болалар, ихтисослаштирилган болалар муассасаларида тарбияланаётганлар, муайян яшаш жойига эга бўлмаган болалар, кам таъминланган оилалардаги болалар, зўравонлик ва эксплуатацияга учраганлар, қуролли можаролар ва табиий офатлар натижасида жабрланган болалар.

Республикамизда барча ҳуқуқ нормалари инсон манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган. **Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги**<sup>122</sup> қонунда ҳам назоратсиз қолдирилган ёки қаровсиз қолдирилган вояга етмаган деган тушунчалар белгилаб берилган. Юқоридаги номи зикир қилинган қонуннинг 3-моддасида вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактика-сига доир тушунчаларга ҳам изох берилган. **Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси** – вояга етмаганларнинг назоратсиз-лиги, қаровсизлигига, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган, яқка тартибдаги профилактика иши билан биргаликда амалга ошириладиган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими;

**Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган** – вояга етмаганнинг назоратсизлиги ёки қаровсизлиги оқибатида унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавф туғдирадиган ёхуд уни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш талабларига жавоб бермайдиган шароитда бўлган ёхуд ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этаётган вояга етмаган;

**Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оила** – ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-атворига салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган оила;

**Назоратсиз** – ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаганни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товланганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида хулқ-атвори назоратсиз қолган вояга етмаган;

<sup>122</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги»<sup>122</sup> 263-сон қонун

**Якка тартибдаги профилактика иши** – ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилаларни ўз вақтида аниқлаш, шунингдек уларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишининг олдини олишга доир фаолият;

**Қаровсиз** – аниқ яшаш жойи бўлмаган назоратсиз қолган вояга етмаган; **Ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар** – вояга етмаганнинг мунтазам равишда спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишида, фоҳишалик, тиланчилик билан шуғулланишида ифодаланадиган хатти-ҳаракатлари, шунингдек ўзга фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузадиган бошқа хатти-ҳаракатлари.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” Қонунининг 27-моддасида, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши давр талабидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августда “Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 490-сонли қарорига асосан 6 та илова ҳам тасдиқланган. Шунингдек, қарорнинг 1-иловасига мувофиқ, ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларининг асосий вазифалари, функциялари, ваколатлари, улар фаолиятини ташкил этиш ҳамда бошқариш тартиби, назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганларни аниқлаш, уларни марказга қабул қилиш, рўйхатга олиш ва сақлаш тартиби, вояга етмаганлар билан якка тартибдаги профилактика ишларини ташкил этиш ва уларни марказдан чиқариш тартибини назарда тутувчи Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисидаги низом тасдиқланган.

Мазкур низом асосида Вояга етмаганлар маслалалари бўйича бўлимларнинг асосий вазифалар қоидалар қилиб белгиланган: вояга етмаганлар ўртасида криминоген вазият тўғрисидаги ахборотни комплекс ва тизимли таҳлил қилиш, мавжуд куч ва воситалардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш, вояга етмаганлар томонидан содир этилган

Ҳуқуқбузарлик содир этилишига олиб келувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

✓ хар бир ўқувчи кесимида умумий урта таълим муассасаларида психологик муҳитни яхшилаш, вояга етмаганлар орасида қонунбузилишларга муросасиз муносабатда бўлиш хиссини шакллантириш, муаммоли ўқувчилар билан уларнинг яшаш жойларида ота-оналари иштирокида манзилли ишлаш;

✓ вояга етмаганлар, уларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ муурожаатларини кўриб чиқиш;

✓ ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракат содир этган вояга етмаганларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида ваколатли органларга ёки вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларга тақдимнома ва таклифлар киритиш;

✓ вояга етмаганларни Марказларга, ихтисослаштирилган таълим муассасаларига, республика ўқув-тарбия муассасаларига белгиланган тартибда жойлаштириш учун тааллуқли ҳужжатларни тайёрлаш;

✓ вояга етмаганларни вазирлик ва идоралар тасарруфидаги ихтисослаш-тирилган таълим муассасаларига жойлаштириш юзасидан чоратадбирларни амалга оширириш;

✓ ички ишлар органлари таянч пунктларига ёхуд фуқаролар йиғинларига олиб келинган вояга етмаганлар билан профилактик тадбирларни ташкил этиш;

✓ вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг ҳулқ-атворида салбий таъсир кўрсатаётган, улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналар ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар билан профилактик тадбирларни ташкил этиш;

✓ вояга етмаганларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш чораларини қўриш, шунингдек, уларга оид статистик ҳисоботларни юритиш;

✓ етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ихтисослаштирилган таълим муассасалари, меҳрибонлик уйлари, республика ўқув-тарбия муассасалари ҳамда оилаларга жойлаштиришда васийлик ва хомийлик органлари билан ҳамкорлик қилиш;

✓ хорижда ота-онаси карамогидан махрум бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида доимий яшаётган фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг вояга етмаган болаларини Ўзбекистон Республикасига қайтариш;

✓ вояга етмаганлар ишлари бўйича бўлимларига конунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

Вояга етмаганлар масалалари бўйича бўлинмалар фаолияти Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати томонидан мувофиқлаштирилиб борилади. Марказлар эса ўз хизмат фаолиятини вазирлар Маҳкамасининг “Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам курсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги<sup>123</sup> қарорига мувофиқ ҳамкорликдаги профилактик тадбирларни амалга оширади.

**Янги тахрирдаги Конституциянинг 77-моддасида** Ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга етгунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбурийлиги белгиланган. Шунингдек, Давлат ва жамият етим болаларни ҳамда ота-онасининг васийлигидан махрум бўлган болаларни боқишни, тарбиялашни, уларнинг таълим олишини, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топишини таъминлайди, шу мақсадда хайрия фаолиятини рағбатлантиш билан боғлиқ ҳаракатлар киритилган.

Ўзбекистон Республикаси **Жиноят Кодексининг** алоҳида боби “Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар” бобига киритган. Хусусан, ЖК 122-моддасида вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш жиноятига нисбатан жазо белгиланган. **ЖКнинг 127-моддасида**, вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш ҳам жиноят сифатида эътироф этилган. Ушбу жиноятнинг объектив томони вояга етмаган шахсни тиламчилик қилишга, спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик ёки психотроп ҳисобланмайдиган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддаларни, шунингдек, гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни истеъмол этишга, вояга етмаган шахсни жиноятга жалб этишдан иборатдир.

Профессор И.Исмоилов, Р.Махмудов. Ж.С.Мухторов ва бошқа олимлар вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг сабаблари жумласига қуйидагиларни:

<sup>123</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги 490-сон қарори

“яшаш, ўқиш ёки иш жойидаги муҳитнинг салбий таъсири; ўқишни ташлаб кетган ўсмирлар узок вақт муайян иш билан шуғулланмаслиги; ўсмирнинг нотўғри тарбияланишини белгиловчи шарт-шароит омиллари; ёши катта жинойтчиларнинг ваяга етмаган ёшларни жинойтга жалб қилиш; зўравонлик ва қонунсизликни ифодаловчи китоблар ва фильмлар таъсири. Вояга етмаганлар жинойтчилигининг омиллари сифатида қуйидагилар қайд этилади: назоратсизлик; умумий таълим мактаблари ва коллежларда таълим-тарбия ишларида мавжуд камчиликлар; ишга жойлаштиришда ҳамда ишлаб чиқаришда тарбия ишларини ташкил этишда мавжуд камчиликлар; маданий ҳордиқ чиқаришни ташкил этишдаги камчиликлар; вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш ҳамда унга қарши бевосита кураш олиб бориш вазифалари зиммасига юкланган органлар фаолиятидаги камчиликлар эканлигини” киритган.

Хар-бир ота-она фарзанларига илмий, амалий ва диний билимларни ўргатиши лозим. Ўргатишмаса ёки ўргата олмаса, хохлашмаса, ўзлари ҳам билишмаса, фарзандларни тарбиясига атроф муҳитни таъсири катта бўлади.

Ёшларни онгини муҳит белгилайди, муҳит бош тарбиянинг субъекти ҳисобланади.

Фарзандларимизда биринчи навбатда нималар шакилланади, уларда ўзига ишонч, кучли, зўр одам бўлиш ва айтган гапларини бажартирадиган кўчани бошқаришга ҳаракат қиладиган ҳолат пайдо бўлади.

Иккинчидан, бундай салбий ҳолатни олди олминмаса, уни қўллаб қувватлайдиган бошқа салбий кучларнинг таъсирига берилади.

Бола оилада севиб-севилишни, ҳурмат-иззатни мана шу тарбия жараёнида олади. Тартибли, интизомли турмуш тарзига шу тарбия жараёнида одатланади ва унда ижобий ўзгаришлар юзага келади ва шакилланади.

Фарзанд имонни, ватанга ва миллатга бўлган вафою содоқатни, урф одатларга ҳурматни фақат мана шундай тартибли оилада ўрганишади. Хар-бир фарзанд олти ёшигача яхши хислат ва сифатларни ўз оиласидан олади.

Хар-бир оилада шахсий ҳаёти чиройли ва интизомли бўлишни тарбияланаётган оилада яхши ҳулқ-атворли, меҳр-оқибатли фарзандларнинг вояга етишига асос бўлиши табиий. Тарбия учун ота-она керак бўлганида қаттиққўлик қилиши ҳам лозим. Лекин, бу дегани у болани қалбида бир умурга қоладиган калтаклар орқали салбий, рухий таъсир ўтказиш дегани эмас бизнингча.

Хаддан зиёт қаттиқ қўллик фарзандларимизни ёлғончи, хийлабоз, бевафо ва қўрқоқ бўлиб ўсишига олиб келади. Салбий тарбиясини намоён қилаётган фарзандлар тарбияланаётган оилаларнинг фаолияти ўрганилганда аксарияти диний на дунёвий билимларда етарли даражада хабардор бўлмаган ота-оналар туфайлидир. Фарзанд қайси ёшда бўлишидан қаттиқ назар доимий равишда ота-онани ҳурмат қилиши конституциявий бурчи ҳисобланади.

Фарзандлар ота-онасининг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенг эканлиги ва Оналик, оталик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши конституцияда қаттиқ этиб белгиланган.

Давлат ва жамият болаларда ҳамда ёшларда миллий ва умуминсоний кадриятларга содиқликни, мамлакатидан ҳамда халқнинг бой маданий меросидан фахрланишни, ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қилиши кўрсатилган<sup>124</sup>.

Боболаримиздан эшитган бир хикматли иборади, бир мусулмон одам ойлик моошини олиб, болаларининг ўқишига, уй-жой ва мулк тўловларига, уй рўғор ишларига ҳамда ота-онамга деб ҳар ойда алоҳида ажратиб кўяр экан. Бир куни дўсти ота-онанг оламда ўтганку улар учун нимага пул ажратаяпсан деганида, у ота-онамга ёшлигимда қандай мухтож бўлган бўлсам, улар ҳам менга ҳозир шундай мухтож деб, ажратилган пуллардан ҳадия сифатида мухтож оилаларга беришлигини айтган.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида ота-она ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахсларнинг иштироки аниқ белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг

47-м о д д асида ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан, вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши билан боғли салбий ҳолатлар учун маъмури жазо чораси белгиланган.

### **Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидагиларни тавсия этаман: таълим қачон кучаяди?.**

1. Таълимда, биринчи навбатда тарбияни олдинга қўйилганида. Жаҳон чемпион, сигарет чекади, кимор ўйнайди, парнаграфик мазмундаги

<sup>124</sup> Янги таҳрирдаги Конституциянинг 78-моддаси



киноларни кўради. Бунга фақат спорт йўналишдаги билим керакми. Йўқ албатта у ҳам шу соҳага еткунича кўп ўқийди ва изланади.

2. Ўқувчи мактабга келмаса, яхши ўқимаса ҳулқи ёмон бўлса ҳадеб танбех бериш салбий оқибатларга олиб келади.

3. Харақтери салбий тавсифланаётган ўқувчиларнинг, ота-оналарининг хушёрлигини ошириш мақсадида улар яшаётган МФЙларда муҳоқома қилиш мақсадида тақдимнома критикликни.

4. Таълим тизимида болалар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни яширмасликни ва бу ҳақда дархол ҳуқуқни муҳоқофа қилувчи идораларга маълум қилиш.

5. Болалар тўғилганда бошлаб уларнинг бормоқ изларини олиш мақсадаг мувофиқ деб ҳисоблайман, сабаби уларда турли нохушликларни олдини олишга сабаб бўлади.

6. Мактаб ўқувчилари ўртасида китобхонлик тўғараклари кенг жорий этиш ва улардан ватанимизнинг буюк тарихий алломалари ва мутафакурлари ҳақида билимлари юқори бўлганларини моддий ва манавий қўллаб қувватлаш.